

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, uzss@yandex.ru • 2020 йил 21 август • № 29-30 (1310-1311)

Видеоселектор

КАРАНТИН ТАЛАБЛАРИ ЮМШАТИЛИШИ ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТНИНГ ОШИШINI ТАҚОЗО ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 17 август кuni хорижда меҳнат қилаётган фуқароларга муносиб шарт-шароитлар яратиш ва улар билан тизимли ишлаш юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Тадбир аввалида бугун мамлакатимизда пандемия билан боғлиқ вазият таҳлил қилинди. Жумладан, июль ва август ойларида коронавирусга қарши кураш бўйича ишлар кескин кучайтирилгани натижасида унга чалинганларга нисбатан соғайганлар сони анча ортгани қайд этилди. Хусусан, охириги 5 кунда тузалди чиққанлар улуши 77 фоиздан 87 фоизга ошди. Даволанаётганлар сони 7 минг нафардан 4 мингга тушди. Бунинг ортида, албатта, шифокорларимизнинг машаққатли меҳнати ётибди.

– Тақрор ва тақрор айтаман: ҳар бир фуқаронинг соғлиги ва ҳаёти биз учун муҳим. Биз халқимизни коронавирус балосидан асраб қолиш учун барча куч-имкониятларни ишга солаёلمиз, жаҳондаги энг илгор даволаш тажрибаларини олиб келаялмиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Яқин кунларда Россиядан қирққа экин, Хитойдан ўн нафар юқори малакали мутахассислар етиб келгани, уларни худудларга тақсимлаб, жойларда беморларни энг самарали усуллар билан даволаш ва маҳаллий шифокорларни ҳам ўргатиш ишлари ташкил қилиниши таъкидланди. Халқимиз ортиқча қийналмаслиги учун,

фуқароларимизнинг мурожаатларидан келиб чиқиб карантин талаблари юмшатирилгани, лекин энди аҳоли жамоат жойларида кўпроқ бўлиши сабабли COVID-19 тарқалиши хавфи сезиларли даражада ошиши ҳам эслатиб ўтилди. Шу боис, одамларга янада масъулиятли бўлиб, ўзларини ва яқинларини вирусдан ҳимоя қилиш бўйича талабларга қатъий амал қилишлари кераклигини тушунтириш, амалий ёрдам бериш ва назорат қилиш лозимлиги айтилди.

– “Темир интизом” ҳаммамиз учун энг биринчи масала бўлиб қолиши керак. Корхоналар, ташкилотлар, қишлоқ хўжалиги соҳаси ва курилиш майдонлари, транспорт ва жамоат жойларида ҳам ушбу талабларга қатъий амал қилиш зарур, – дея таъкидлади Президент.

Барча даражадаги ҳокимлар, секторлар, соғлиқни сақлаш, маҳалла, ички ишлар ва бошқа тизимлар раҳбарлари тегишли худудлар ва соҳаларда коронавирус билан боғлиқ вазиятга шахсан масъул ва жавобгар бўлишлари белгиланди.

Йиғилишда хорижда меҳнат қилаётган юртдошларимизни ижтимоий, ҳуқуқий, моддий ва маданий қўллаб-қувватлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Бандлик ва меҳнат му-

носабатлари вазири Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири ҳамда ҳокимликларга чет элдан қайтган фуқароларга касби, малакаси ва режасидан келиб чиқиб, иш топишига кўмаклашиш бўйича топшириқлар берилди. Хорижда ўзбекистонликлар муносиб шароитларда меҳнат қилиши учун йирик иш берувчи компаниялар билан алоқаларни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Бунинг учун, аввало, ўша корхоналар талабига мос малакага эга ва тил биладиган мутахассислар тайёрлаш зарур.

Шу боис, бу борада янги тизим жорий этилиши белгиланди. Яъни, худудлардаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги филиалларининг ваколатлари кенгайтирилиб, уларга хорижий иш берувчилар билан бевосита шартнома тузиш, миграция хизматлари билан музокаралар ўтказиш ҳуқуқи берилди. Бу филиаллар раҳбарлари вилоят ҳокимининг ёрдамчиси ҳисобланади. Мутасаддиларга хорижий давлатлардаги йирик иш берувчилар билан музокара ўтказиб, ишчи ва мутахассислар юборишни кўпайтириш, меҳнат мигрантларига йўл ҳақи, патент ва сугурта харажатлари учун 10 миллион сўмгача паст ставкада кредитлар ажратилиши бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз элчионалари ўзга давлатлардаги ватандошларимиз диаспоралари билан алоқаларни мустақамлаш лозимлигини алоҳида таъкидлади. Сектор раҳбар-



лари, меҳнат ва маҳалла идоралари вакиллари ўз худудидаги шундай ташаббускорлар рўйхатини шакллантириб, уларнинг бизнес лойиҳаси билан танишади. Рўйхатдан ўтишга кўмаклашиб, 3 ойгача ижара тўловлари бўйича субсидия берилди. Шунингдек, тадбиркорликни бошлаш учун кредит ресурслари ажратилади ҳамда банк кредитлари таъминоти бўйича сугурта полиси харажатларининг бир қисми қоплаб берилди. Бу мақсадларга Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан йил якунига қадар 25 миллиард сўм, кредитлар учун 100 миллиард сўм ажратилади.

Яна бир масала – хорижда ишлаётган фуқароларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш тизимида атиги 4,5 минг нафар киши рўйхатга олинган. Шу боис мутасаддиларга ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш ва меҳнат стажини ҳисоблаш тизимини мигрантлар учун ҳам таъбиқ

этиш бўйича кўрсатма берилди. Бош вазир ўринбосарларига ташкиллашган миграция бўйича иқтисодий, молиявий ва ташкилий-ҳуқуқий кўмак тизимини жорий этиш юзасидан алоҳида дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Унда мамлакатимизда касб ва тилга ўргатиш, хорижда ишлаш кўникмаларини шакллантириш, йўлқира, патент, сугурта, пенсия ва кредит масалалари қамраб олинди. Шунингдек, ҳуқуматларо комиссиялар доирасида хориждаги юртдошларимизга муносиб шароит яратиш, чет элдаги банклар орқали уларни кредитлаш механизмлари назарда тутилди.

Йиғилишда белгиланган устувор вазибалар юзасидан мутасадди вазирик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимлари, элчилар ахборот берди.

Ў.А.

Муносабат

КАРАНТИН ЮМШАТИЛДИ, АММО БЕКОР ҚИЛИНГАНИ ЙЎҚ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ва партия марказий кенгаши ижроия қўмитасининг қўшма мажлисида пандемия даврида партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари Улугбек Иноятов бу йил “Сен – қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистон!” шиори остида нишонланадиган энг улуг, энг азиз байрам – мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги билан барчани табриқлаб, байрам халқимизни синовли кунларда янада жипслаштириш, қийинчиликларни енгиб, ютуқлар сари интилиш ҳиссини мустақамлашда ҳар биримизга улкан руҳий кўчқудрат беришини таъкидлади.

Қўшма йиғилиш кун тартибидеги асосий масала – пандемия даврида худудий партия ташкилотлари, барча даражадаги депутатлик бирлашмалари, жумладан, Хоразм, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида амалга оширилган ишлар, эришилган нати-

жалар таҳлил қилинди. Фуқаролар ҳаёти ва соғлиги ҳимоясини янада кучайтирган ҳолда яшаш ва ишлашда давом этиш, карантин талабларини босқичма-босқич юмшатиш бўйича асосий вазибалар белгиланди. Карантин қоидалари босқичма-босқич юмшатилиши, пандемия шароитида яшаш ва ишлашга ўтиш жараёни барчадан янада бирдам бўлиш, белгиланган тартибларга риоя этилиши бўйича масъулиятни ошириш, жамоатчилик назоратини кучайтиришни тақозо этади. Энг асосийси, эҳтиёжманд оилалар аъзоларига ўзини-ўзи банд қилиш имкониятлари ва имтиёзларидан фойдаланишида амалий ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан ташкил қилинаётган иш ўринлари, уларга ишга жойлашаётганлар ҳақидаги маъ-

лумотлар ҳаққонийлиги, қишлоқ хўжалиги кооперативларини ташкил этиш учун ажратилган субсидияларнинг мақсадли сарфланиши бўйича депутатлик ва жамоатчилик назорати кучайтирилди. Депутатлар ва партия фаоллари “Саховат ва кўмак” хайрия тадбирларини давом эттириб, электорат вакилларига озиқ-овқат махсулотлари, дори-дармон воситалари етказилишида фаол иштирок этади. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлаш учун нақд пул шаклида берилган бюджет маблағлари ўз эгаларига етиб бориши бўйича депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Нурилло НАСРИЕВ.

Аждодларимиз меросига эҳтиром

ИБН СИНО – ЎЗБЕКИСТОН ФАҲРИ ВА ЖАҲОН МУЛКИ

Буюк бобокалонимиз, улуг аллома ва мутафаккир, табобат илми султони, файласуф, математик, рухшунос олим, мусиқачи, беназир шоир сифатида илм-фаннинг 29 соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшган Абу Али ибн Синонинг таваллуд тоғанига 1040 йил тўлди.

2020 йил 16 август куни Ибн Сино жамоат фонди "Узрепорт" ахборот агентлиги билан ҳамкорликда инсониятга қолдирган бой меросни чуқур ўрганиш, юртдошларимиз, айниқса ёшларимизга, чет эл фуқароларига кенг тарғиб қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимига олиб борилаётган ислохотларни жадаллаштириш мақсадида «Абу Али ибн Сино – Ўзбекистон гурури ва умумжапон мероси» мавзусида Халқаро илмий-маърифий видеоонференция ташкил этилди.

Ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ёшлар ишлари бўйича агентлиги, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат Шарқшунослик университети, Веб-стиминтер университет, Бухоро Давлат тиббиёт институти, Тошкент давлат стоматология институти, Тошкент тиббиёт академияси, Самарқанд давлат тиббиёт институти, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослашган ёш буюклар ва кимёгарлар мактаб-интернати, Германия, Бельгия, Франция, Исроил, Туркия, Хиндистон ва Ўзбекистон етакчи мутахассис, эксперт, табиб, шифо-

кор, фармацевт, тарихчи, шарқшунос, файласуф, биолог, кимёгар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди. Унда 17 та илмий маърузалар билан олимлар, мутахассислар, жумладан, 6 та хорижий маърузачилар қатнашди.

Ибн Сино академияси Президенти, профессор Саид Зиллур Раҳман (Хиндистон), Ибн Сино халқаро фонди Президенти, профессор Михаэль Сач (Исроил), Авиценна ассоциацияси Президенти, профессор Марк Боннель (Франция), таълим бўйича ЮНЕСКО аъзоси/жори профессор Амина Атхер, Ибн Сино жамоат фонди маслаҳатчиси, т.ф.н. Абдукарим Усмоҳжаев, Самарқанд Давлат тиббиёт институти ректори, профессор Жасур Ризаев, Ўзбекистон Давлат тарихи музейи директори, профессор Ж. Исмаилова, ТашПИ, профессор Н. Маматова, Ўзбекистон Миллий университети тадқиқотчиси З. Ишанқўжаевлар ўз илмий маърузаларида Абу Али ибн Сино меросини ўрганиш кераклигини ва долзарблигини айтиб ўтишда ҳамда ушбу меросни фан ва замон эҳтиёжларига мослаштириш кераклигини таъкидлашди.

Халқаро видеоонференция доирасида «Ибн Сино» жамоат фонди ва «Узрепорт» ахборот агентлиги ва Ўзбекистон шарқшунослик университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморан-

думлар имзоланди.

Профессор Михаэль Сач Ибн Сино Жамоат фонди бошқарув раиси Нозимхон Махмудовни, Ўзбекистон-Исроил илмий ва маданий алоқалари ривожига қўшган ҳиссаси учун Исроил давлатидаги Халқаро Авиценна фонди фахрий аъзоси унвони билан расмий тақдирлади.

Халқаро илмий видеоонференция якунида резолюция қабул қилинди. Унга кўра:

- «Абу Али ибн Сино - Ўзбекистон гурури ва Жаҳон мероси» мавзусидаги халқаро илмий маърифий видеоонференцияси долзарб, илмий-маданий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлди ва юқори таъкилий даражада ўтказилди;

- 2020 йил давомида илмий, маърифий ва ахборот ақцияларини давом эттириш. Жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари бўйича агентлиги билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида Ибн Сино жамоат фонди томонидан тайёрланган плакат ва буклетларни тарқатиш;

- Шунингдек, кўрсатилган давлат ташкилотлари билан биргаликда «Менинг тарихим - менинг гурурим», «Мен Абу Али ибн Сино билан фахрланаман», «Мен Авиценна авлодиман» мавзуларида тематик флешмоаблар ва ҳэш-теглар ўтказиш;

- Ўзбекистон давлат тарихи музейида Абу Али ибн Сино бўлимини ташкиллаштириш ва уни бойитиш ҳамда жиҳозлаш;

- пойтахт ҳокимияти билан ҳам-



корликда яқин кунларда Тошкентнинг марказий кўчаларида ижтимоий шериклик доирасида 20 та тематик баннерлар ўрнатилади;

- ҳозирги Пандемия вазиятини инобатга олган ҳолда, Абу Али ибн Сино мероси асосида ва замонавий тиббиёт илмий тадқиқотлар натижаси асосида махсус тиббий маданиятни ва касалликларни профилактикаси тарғибот этиш мақсадида ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқиш ва ўқув дастурларни мактаб, лицей ва олийгоҳларда тадқиқ этиш;

- Абу Али ибн Сино кўп қиррали илмий меросини ўрганиш учун давлат томонидан қўллаб-қувватлашни ва тадқиқот фаолиятини молиялаштириш зарурлиги, публицистик ва илмий асарлар нашри-ни фаоллаштириш (киتاب, луғат-

лар, энциклопедиялар, таълим муассасалари учун қўлланма-мий шериклик доирасида 20 та Парламент комиссияси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан грант ва субсидиялар орқали молиялаштириши;

- Ибн Сино жамоат фонди моддий-техник базасини ривожлантириш ва модернизация қилиш;

- Ўзбекистоннинг илмий-маданий, сайёҳлик ва сиёсий салоҳияти ва имиджини янада мустаҳкамлаш, ёшлар ва хорижда Ибн Сино-Авиценна миллий брендини мустаҳкамлаш ва рағбатлантиришга қаратилган халқаро илмий-маданий алоқаларни ривожлантиришдан иборатдир.

Албатта, буюк бобокалонимиз Ибн Сино меросини ўрганиш – буюк хазина. Асрлар ошибдики, буюк аждодимиз яратган дурдона асарлар ўз қимматини йўқотгани йўқ. Аминимизки, буюк ватандошимиз қолдирган мерос ҳали кўп йиллар келажақ учун хизмат қилади.

Ибодат СОАТОВА.

Кун мавзуси

МАРКАЗЛАРИДА ОВҚАТЛАНТИРИШ
ХАРАЖАТЛАРИ МЕЪЁРЛАШТИРИЛДИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига кўра, тўғри ва соғлом овқатланиш даволанишининг муҳим қисми ҳисобланиши ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати тавсияларини инобатга олиб, шунингдек, беморлар ва карантинга олинган шахсларни овқатлантиришда ортиқча исрофгарчиликларнинг олдини олиш мақсадида Республика махсус комиссиясининг 2020 йилнинг 17 августида тегишли йиғилиш баёнига мувофиқ, кунлик овқатлантириш харажатлари меъёрлаштирилди.

Шунга кўра, коронавирус инфекциясига қарши кураш тадбирларига жалб қилинган барча муассасалар ва карантин марказларида бюджет ва Инқироғга қарши курашиш жағармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган аутсорсинг хизмати орқали кунлик овқатлантириш харажатлари 2020 йилнинг 20 августидан бошлаб Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида 35,0 минг сўмгача



ҳамда бошқа ҳудудларда 30,0 минг сўмгача бўлган миқдорда белгиланди.

Ушбу белгиланган нархлардан ошмаган ёки камроқ нархларда овқатлантириш ташкиллаштирилган ҳолатларда, ўша белгиланган миқдорларда аутсорсинг хизмати орқали кунлик овқатлантириш меъёри берувчи хўжалик субъектлари билан тузилган шартномага асосан фаолиятини давом эттириш тавсия этилади.

Юқорида қайд этилган меъёрларга мувофиқ, аутсорсинг хизмати орқали етказиб берувчи хўжалик субъектлари билан тузилган шартномага асосан кун-

лик овқатлантириш меъёри ва озик-овқат маҳсулотларининг сифати ва соғлиқ учун фойдалилиги талаб даражасида бўлишига эътибор қаратиш лозим.

Бюджетдан ташқари ва бошқа маблағлар ҳисобидан овқатлантириш ташкил этилганда, кунлик овқатлантириш харажатлари миқдорлари эркин нархларда белгиланиши мумкинлиги ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан кунлик овқатлантириш меъёрлари қайта кўриб чиқиши ва натижалари бўйича хабардор қилиши маълум қилинади.

Диққат!

Хурматли муштарийлар!

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасининг телеграм ижтимоий тармоғидаги расмий канали доимий фаолиятда. Эндликда сеvimли нашрингизнинг ҳар бир сонини PDF формат шаклида @uzssgzt манзили орқали кузатиб боришингиз мумкин.

“ВАХТА”
УСУЛИДАН КУНБАЙ
ИШ ТАРТИБИГА
ЎТКАЗИЛАДИ

Мамлакатимизда беш ойдан ошқик вақт давомида тиббиёт муассасасида қолиб ишлаётган тиббиёт ходимлари 14 кунлик “вахта” усулида эмас, балки кунбай келиб-кейтиш тизимига ўтиш бўйича ўз тақлифларини билдиришмоқда.

Россия, Туркия, Германия, Хитой, Корея ва бошқа ривожланган мамлакатлар экспертлари ҳам коронавирус инфекциясига чаплинган беморларни даволашга мўлжалланган, саралаш ва провизор шифохоналари ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораториялари ходимлари иш режимини, уларнинг санитария ва гигиена қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда кунбай келиб-кейтиш тизимига ўтказилишига ижобий муносабат билдирган.

Юқоридаги тақлиф ва тавсиялардан келиб чиқиб, Республика махсус комиссиясининг жорий йилнинг 17 августидаги тегишли йиғилиш баёнига кўра, шу йилнинг 20 август санасидан кунбай иш тартиби жорий этилади:

- коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш ишларига жалб қилинган ҳамда ушбу инфекцияни аниқлаш лабораторияси ходимлари 14 кунлик “вахта” усулидан, уларнинг санитария ва гигиена қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда кунбай келиб-кейтиш тизимига ўтилади;

- иш ҳажмидан келиб чиқиб, 6 кунлик кунбай ишлаш мумкинлиги белгиланган ҳолда ҳар 30 кун учун бир ойлик иш фаолияти якуни бўлиши;

- шифокорларга 25,0 млн. сўм;
- ўрта тиббий ходимларга 15,0 млн. сўм;
- кичик тиббий ходимларга 10,0 млн. сўм;
- бошқа ходимларга 5,0 млн.сўм миқдорига махсус рағбатлантириш тўловлари (даромад солигидан ташқари) тўланиши белгиланди.

Кунлик қўшимча тўловлардан ташқари, асосий иш жойидаги ойлик маоши сақлаб қолиниши ҳамда ходимларнинг дам олиш ва байрам кунларидаги ишлари учун уларга белгиланган тартибда икки ҳисса ҳақ тўланади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.

Хуқуқий ахборот

РЕЦЕПТСИЗ БЕРИЛМАЙДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ СОТГАНЛИК УЧУН ҚАНДАЙ ЖАВОБГАРЛИК БОР?



Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган “Рецептсиз берилмайдиган дори воситалари рўйхати”да халқаро патентланмаган номи (дори воситаси таркибидаги фаол модда (субстанция)нинг номи) билан 192 та дори препаратлари ва савдо номи билан 1032 та мажмуавий препаратлар киритилган.

Бу рўйхатда бўлмаган дори воситасини шифокор рецептсиз сотишга белгиланган жавобгарлик тўғрисида **вазирлик хузуридаги фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги бошқарма**

бошлиги Мухаббат Ибрагимова маълумот берди:
– Рецептсиз берилмайдиган дори воситалари мамлакатимиз фармацевтика бозорининг тахминан 30 фоизини ташкил этади. Ҳатто врач рецептлари асо-

сида берилмайдиган дори воситалари, тиббий буюмлар ва улар ҳақидаги маълумотларни дорихонанинг пештахтаси ва харидорлар учун кўринадиган бошқа жойларга қўйиш тақиқланади.

Қонунчиликка кўра, таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар мавжуд бўлмаган дори воситаларини рецептсиз сотиш базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача жаримага сабаб бўлади. Таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецептсиз сотиш эса базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача жаримага сабаб бўлади.

Мазкур тартиб 2020 йил 23 октябрдан кучга киради. Бу қонунбузарликни дорихона мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ марта) амалга оширса, бу ҳолат лицензия талаблари ва шартларини қўпол равишда бузилиши ҳисобланиб, лицензиянинг амал қилиши белгиланган тартибда ўқатилишига олиб келади.



ХАЛҚАРО СТАНДАРТ ЯНГИЛАНДИ

Саноат соҳасида қўлланиладиган ISO 14155 стандарти сўнги қоидаларни ва бошқа тегишли стандартларга киритилган ўзгаришларни акс эттириш учун қайта қўриб чиқилган. Янгиланган версияда клиник тадқиқотлар иштирокчилари ва тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланувчиларни ҳимоя қилиш ва белгиланган натижаларга эришишга ёрдам берадиган кўплаб қўшимча маълумотлар мавжуд.

ISO 14155 стандарти шунингдек, ушбу соҳадаги бошқа стандартлардаги ўзгаришлар, Европа тиббий асбобларини тартибга солиш, Европа клиник комиссиясининг яхши клиник амалиёт бўйича кўрсатмалари ва бошқа шунга ўхшаш АҚШнинг озиқ-овқат ва дори воситаларини назорат этиш бошқармаси кўрсатмалари билан мослаштирилди.

Мазкур халқаро стандартлар ҳақидаги қўшимча маълумот олиш учун “Ўзстандарт” агентлиги Халқаро ҳамкорлик бошқармасига, Ўзбекистон Стандартлар институтига мурожаат қилишингиз мумкин.

Диққат, танлов!!!

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» АНЪАНАВИЙ КЎРИК-ТАНЛОВИ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюشمаси, “Ўзбекино” миллий агентлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, “Тасвирий ойна” ижодий уюشمаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўққизинчи йиллигига бағишланган “Энг улуг, энг азиз” анъанавий кўрик-танловини эълон қилади.

Танловга “Сен – қудрат манбаи, саодат маскани, рожанон Ўзбекистоним!” деган бош гоғияи ўзида мужассам этган ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” давлат дастури доирасида мамлакатимизни ҳар томонлама обод қилиш, унинг иқтисодий қудратини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ислохотларни, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўси ошиб бораётгани, пандемия шароитида ҳам давлат ва жамият ҳаётидаги ўзгаришлар изчил давом этаётганини ҳаётий мисоллар ва илмий асосланган таҳлиллар асосида ҳолис ва ҳаққоний ёритувчи ижодий асарлар қабул қилинади.

“Энг улуг, энг азиз” анъанавий кўрик-танлови куйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган веб-сайтлардаги интернет-журналистика материаллари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
- кино санъати асарлари.

Шунингдек, танлов доирасида Мустақиллик декларацияси қабул қилинганининг ўттиз йиллиги муносабати билан босма ОАВ, веб-сайт, телеканал ва радиоканаллар ижодкорлари учун ҳар бир йўналиш бўйича биттадан “Энг яхши журналистик материал учун” рағбатлантирувчи номинация жорий этилмоқда.

Кўрик-танловга 2019 йилнинг 15 августидан 2020 йилнинг 15 августигача бўлган даврда расман чоп этилган адабий-бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телеканалларда эфирга узатишган материаллар, намоён этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 10 сентябрига қадар қабул қилинади.

Кўрик-танлов гоғиллари 2020 йил сентябрь ойида тақдирланадиган ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади. Коронавирус пандемияси сабабли карантин қоидаларидан келиб чиқиб, танловга юборилмайдиган ижодий ишлар онлайн шаклда қабул қилинади.

Иштирокчилар (муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот; паспорт нусхаси; манзил ва боғланиш телефонларини илова қилган ҳолда) ўз ижодий ишларини “Энг улуг, энг азиз” кўрик-танловига ҳамда “Энг яхши журналистик материал учун” номинациясига деб (номинация йўналишини) кўрсатган ҳолда куйидаги шакл ва форматларда tanlov2020@aimc.uz электрон почтасига ёки @tanlov2020 телеграм манзилига юборишлари лозим:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари, босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари pdf форматда;
- оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган веб-сайтлардаги интернет-журналистика материаллари ҳаводалар (ссылка) кўрсатилган ҳолда;
- тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари JPG форматда;
- кино санъати асарлари AVI форматда google disk, yandex disk ёки бошқа виртуал ресурсларга юкланиб, ҳаволаси юборилади (мазкур ҳавола 30 кун давомида ишлаб туриши зарур);
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари mp3 ҳамда AVI форматда google disk, yandex disk ёки бошқа виртуал ресурсларга юкланиб, ҳаволаси юборилади (мазкур ҳавола 30 кун давомида ишлаб туриши зарур).

Эслатма: ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари битта китобдан, кино санъати асарлари битта тўлик метражли кино-асардан, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ходимларининг материаллари, тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари учтадан кам бўлмаслиги лозим.

Қўшимча маълумот олиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг 71 244-32-33 телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.

СЕНТЯБРЬ ОЙИДАН ЭМЛАШ БОШЛАНАДИ

Ўзбекистонда аҳолини грип ва пневмонияга қарши эмлаш пунктлари ташкил қилинмоқда. Бу ҳақда Коронавирус қарши кураш штаби аъзоси Рустам Икромов “Дарё” сайти мухбири Мусулмонбек Иброҳимовга берган қисқача интервьюсида айтиб ўтди.

Эпидемиолог Рустам Икромовнинг маълум қилишича, ҳар йили куз ва киш фаслида ҳаво-томчи орқали юқадиган касалликларнинг кўтарилиши кузатилади.

“Бу шифокорлар тилида микстинфекция дейилади, яъни қўшилиб касаллик чақириши мумкин бўлган ҳолат кузатилиши мумкин. Грипп ва пневмония чақирувчи вирусли касалликларнинг коронавирус билан биргаликда келиши бундан ҳам оғирроқ даражада олиб келишини тахмин қилиш мумкин”, – деди мутахассис.

Унинг алоҳида таъкидлашича, масаланинг жиддийлигини ҳисобга олган ҳолда, куз-қиш мавсумига эпидемиологик тайёргарлик чоралари кўрилоқда: “Албатта, бундан одамлар ваҳимага тушмаслиги керак. Айни кунларда грип ва пневмонияга қарши эмлаш учун ҳуқумат даражасида керакли чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Вакциналарнинг четдан олиб келиш ва жойларда эмлаш пунктларини ташкил қилиш ишлари юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Бу ишлар сентябрь ойидан бошланади”.

Аввалроқ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги болалар орасида грип ва пневмонияга қарши режадан ташқари вакцинацияларни амалга ошириш йўллари қўриб чиқилаётганини маълум қилган эди.

Қалбимизда мангу барҳаёт

ҲАР БИР ИШИДА ЭЗГУЛИК МУЖАССАМ ЭДИ

Инсоннинг аслитини акс эттирадиган фазилатлар қўп. Илм ахлида эса ушбу хислатлар янада ёрқинроқ намоён бўлади. Боиси, бу турга мансуб инсонларни ўз характери, ўз қонунияти ва ўз олами билан яшайдилар дейишади. Эътиборли жиҳати, улар чин инсонийлиги билан у ўзгача оламга истаган инсонини ошно эта олади. Улар билан бирга фаолият юритиш, суҳбатлашиш ва ҳатто, улар тўғрисида хотирлаш ҳам кишини айрича манзилларга етаклайди...

Соҳа тараққиёти йўлида 55 йил фидокорона фаолият юритган Тошкент фармацевтика институти Тиббий ва биологик фанлар кафедраси профессори, биологик фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими, республикаимиз кимё, биология ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларига ўз хиссасини қўшган таниқли олим Акмал Абзалович Абзалов айна шу тоифага мансуб инсон эди. Таниқли олимнинг умумий фаолияти 55 йил бўлиб, шундан илмий иш фаолияти 50 йилни ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, ўз касбининг фидойиси Тошкент фармацевтика институтидаги 26 йиллик педогогик фаолияти мобайнида 1994 йилдан доцент, 1994-1996 йилларда институтининг агроботехнология факультети декани, 1999-2005 йилларда доривор ўсимликлар

биологияси кафедраси мудири лавозимларида иш олиб борган. Эътирофлиси шундаки, олимнинг фаолияти жуда сермазмун кечди. Унинг раҳбарлигида 4 нафар номзодлик диссертацияси муваффақиятли ҳимоя қилинди. Қолаверса, олимнинг доривор ўсимликларини етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш ва бошқа мавзуларда олиб борган тадқиқотлари асосида ҳаммуаллифликда 9 та патент олинган, 37 та тавсиянома чоп этилган. Хориж ва мамлакатимизнинг нуфузли илмий журналлари ва илмий анжуманларнинг илмий тўпламларида 780 дан орტიқ илмий мақолалар ва тезислари чоп этилган. Шу жумладан, 3 та дарслик, 5 та ўқув қўлланма ва 7 та монографияси нашр қилинган. Узининг илмий салоҳияти, шунингдек соҳа тараққиётига қўшган муносиб хиссаси учун таниқли олим 1994 йилда

“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими” фахрий унвони билан мукофотланган. Устоз 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан соҳа бўйича ўтказилган “Энг яхши фармацевтиктирочи” танловда фахрли 3-даражали дипломи қўлга киритди. Албатта, ўз касбининг фидойиси бўлган олимни ҳақли равишда дунё олими ҳам дейиш мумкин. Сабаби, Акмал Абзалов Европа мамлакатлари Академияларини бирлаштирган Европа илмий-саноат консорциуми томонидан ўтказилган илмий конференциялардаги маърузалари учун “Адам Смит” ва “Европа сифати” номли олтин медаллар билан тақдирланган. Шунингдек, 2015 йилда ихтирочилик соҳасидаги ишлари учун Россия Табиатшунослик Академияси Президиуми томонидан “А. Нобель” олтин медали тақдим этилган ҳам олимнинг машаққатли меҳнатларида берилган муносиб рағбат бўлди. Бунинг баробарида, 2017 йил март ойида Россия Табиатшунослик Академияси томонидан ўтказилган “За новаторскую работу в области высшего образования” номли танловда қатнашиб

олтин медаль соҳиби бўлди. Бундан ташқари, Россия Табиатшунослик Академиясининг таълим ва илм соҳасидаги лойиҳаларини бажаришда фол қатнашганлиги ҳамда фан тараққиётига қўшган хиссаси инobatга олиниб, мазкур Академиянинг Президиуми тавсиясига мувофиқ “Европа илмий-саноат консорциуми” (Европейский научно-промышленный консорциум) томонидан “За служение науке и просвещению”, “Орден Александра Великого” ҳамда “PRIMUS INTER PARES” (Первый среди равных) орденлари билан ҳам мукофотланди. Фан тараққиётининг ривожланишига қўшган хизматларини эътиборга олиб, мазкур Академия Президиуми таниқли олим Акмал Абзаловни илмий-педагогик фаолияти ҳақидаги маълумотларни “Известные ученые” номли энциклопедиянинг 13-томи-



Архив

Афсуски, бешафат ўлим таниқли олим Акмал Абзаловни 82 ёшида орамиздан олиб кетди. Бирок, аминмизки, Акмал Абзалов оила аъзолари, кадрдон дўстлари, ҳамкасблари ва шогирдлари қалбида мангу яшайди.

Ибодат СОАТОВА.

80 ТА ИХТИРО ВА ЧЕКСИЗ САМИМИЯТ СОҲИБИ

Бу ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар ўз умрининг мусаввиридир. Яъни, умри давомида ҳаётини безайдиган, мазмунан бойитадиган чизиларни уларнинг ўзлари яратди. Бундай инсонлар сизу бизга ўзларининг борлигини ҳар доим ҳам эслатавермайди. Бирок, кун келиб, орамизни тарк этишгач эса уларнинг ўрнини ҳеч бир нарса билан тўлдириб бўлмайди. Тиббиёт тизими, фармацевтика соҳасидаги ана шундай инсонларнинг бири “Ўзбекистон фан арбоби” Собиржон Аминов эди.

1938 йил 2 августда Тошкент шаҳрида дунёга келган Собиржон Аминовнинг меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Фанлар Академияси Гидроингео ва муҳандислик геологияси институтида бошланган. Олим, 1962-1965 йилларда собик Иттифок Элементорганик бирикмалар институтида аспирантурада ўқиб, “Этиленнинг карбон кислоталари ва уларнинг ҳосилалари билан теломеризацияси, Теломеризация жараёнида эркин радикалларнинг қайта тақсимланиши” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади.

Самарали изланишлари натижасида кичик молекулали карбон кислоталар ва улар ҳосилаларининг этилен билан теломеризациясини ўрганиб, тармоқланган юқори молекулали карбон кислоталар олишга муваффақ бўлди. Ўз ўрнида унинг бу кашфиёти радикалларнинг қайта тақсимланиши - янги реакция деб эътироф этилди ва амалиётда жорий этилди. Собиржон Аминов Тошкентга қайтгандан кейин, Ўзбекистон Фанлар Академияси Умумий ва ноорганик кимё институтида сирт фаол моддалар синтези ва уларнинг коллоид кимёвий ҳоссаларини ўрганиш йўналишида тадқиқотлар олиб борди. У илк бор сирт фаол моддаларнинг коллоид кимёвий ҳоссаларини ва турли аспектиларда қўллаш усулларини текширди. Унинг мазкур масалада ўрганишлари натижасида ипакчилик ҳўжалиги, Тошкент ювувчи воситалар заводида ва бошқа корхоналарда ишлаб чиқаришга жорий этилди. Со-



Архив

биржон Нигматович 1978 йил ўзининг “Alma-mater” – Тошкент фармацевтика институтига қайтди. Ўша вақтдан айна кунга қадар у табийи ва синтетик табииатли кимёвий бирикмаларни фармацевтияда қўллаш, улар асосида янги дори воситаларини ишлаб чиқариш йўналишида кенг қўламли илмий тадқиқотлар олиб борди. Табиийки, бир неча йиллик машаққатли илмий изланишлар беасамар кетмади. Яъни, устозимиз 1987 йилда Д. Менделеев номи Россия Кимё-технология университетида “Карбон, фосфон, алкиларилсульфокислоталарнинг сирт фаол ҳосилаларининг синтези ва коллоид кимёвий ҳоссалари” мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, фан доктори илмий даражасига сазовор бўлди.

Таърибли профессор мустақиллик йилларида маҳаллий хом ашёлар асосида дори воситалари ишлаб чиқариш йўналишида ҳам чўқур изланишлар олиб борди. Жумладан, Тошфам олимлари билан биргаликда мўйиб тозалаш, олинган субстанци-

яни стандартлаш ҳамда у асосида капсула дори шаклини ишлаб чиқди. Бу изланишлар эса “Remedy Group” қўшма корхонасида жорий этилди. Шунингдек, олим бошчилигидаги изланишлар натижасида яратилган “Навбахит”, “Гликоинувит”, “Алтробосепин”, “Гликоразмулин”,



Архив

ларимизни яна бир бор тасдиқлайди. Собиржон Аминов “Физик ва коллоид кимё”, “Умумий ва анорганик кимёдан амалий машгулотлар”, “Физик ва коллоид кимёдан амалий машгулотлар”, “Физик ва коллоид кимёдан масалалар тўплами”, “Анорганик кимё”, “Ноорганик кимё” синга кўплаб дарсликлар ва қўлланмаларнинг муаллифи. Устозимизнинг дарслик ва қўлланмалари икки маротаба “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти” танловининг ғолиби деб топилган. Эътиборлиси, профессорнинг илмий изланишлари Россия, Украина, Белоруссия, Қозғоғистон, Австрия, Исроил, Германия, Испания ва Туркия каби давлатларда муҳокама қилинган. Олим фаолияти давомида 80 та ихтиро патенти ва муаллифлик гувоҳномалари олган. Шунингдек, 600 дан ортиқ илмий иш, 20 та фармакопоя йўналишидаги мақола, 5 та монография ва 10 та дасрлик ҳамда ўқув

қўлланмаларининг муаллифи-дир. Устозимиз муҳаррирлик илмини ҳам пухта ўзлаштирган олимлардан. Жумладан, у 1992 йилдан бошлаб «Фармацевтика» журналининг Бош муҳаррир ўринбосари сифатида фаолият олиб борди ва журналнинг республика ва халқаро микёсдаги нуфузини оширишда ўз хиссасини қўшди.

2007 йилда Собиржон Аминовнинг меҳнатлари давлат даражасида эътироф этилиб, у “Ўзбекистон фан арбоби” унвони билан мукофотланди. Афсуски, ўз касбининг фидойиси бўлган устозимиз бугун орамизда йўқ. Ўзбекистон кимёгар ва фармацевтларининг етакчи вақилларидан бири, таниқли олим, тажрибали педагог, “Ўзбекистон фан арбоби” кимё фанлари доктори, профессор Собиржон Нигматович Аминов жорий йилнинг 19 июль куни вафот этди.

Устозимиз профессор Собиржон Аминов камтарин, меҳнатсевар олим, юқори малакали мутахассис, таърибли педагог сифатида институт ходимлари ва талабаларининг хурматига сазовор бўлган мураббийдир. Устозининг ёрқин хотираси Тошкент фармацевтика институти жамоаси, фарзандлари, ҳамкасблари, шогирдлари қалбида абадий сақланади.

Авез ШАРИПОВ,
Тошкент фармацевтика институти Ноорганик, физик ва коллоид кимё кафедраси мудири, фармацевтика фанлари доктори, доцент.

Соғлом авлод – Ватан келажаги

ОНА ВА БОЛАЛАР ЎРТАСИДА МИКРОНУТРИЕНТЛАР ЕТИШМОВЧИЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИ – ДАВР ТАЛАБИ

Инсоннинг оқилона овқатланишида нафақат овқатнинг энергетик қиймати, оқсил, углевод ва ёғларга бойлиги, балки микроэлементлар ва витаминларнинг таъминланиши ҳам муҳим ўрин тутди. Тиббиётда илмий мутахассислар томонидан витаминларнинг организм учун зарурий жиҳатлари ва уларнинг танқислиги оқибатида келиб чиқадиган касалликлар яхши ўрганилган.

Она ва бола саломатлиги, шу жумладан микронутриентлар танқислиги билан курашиш Ўзбекистон Республикасининг устувор вазифаларидан бири саналади, бу борада давлатимиз томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асосида кўплаб ижобий фаолиятлар йўлга қўйилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг

левод ва ёғларга бойлиги, балки микроэлементлар ва витаминларнинг таъминланиши ҳам муҳим ўрин тутди. Тиббиётда илмий мутахассислар томонидан витаминларнинг организм учун зарурий жиҳатлари ва уларнинг танқислиги оқибатида келиб чиқадиган касалликлар яхши ўрганилган. Аммо микроэлементлар етиш-мовчиликка етарлича эътибор қаратилмаган эди.



2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5590-сон қарорида ҳам оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиши янада такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилган. Жаҳон банки маълумотларига кўра, сўнгги икки ўн йилликда 5 ёшгача бўлган болалар, репродуктив ёшдаги (15-49 ёш) ва ҳомиладор аёллар овқатланиши Ўзбекистонда сезиларли даражада яхшилانган. Утган 2008 йилда олиб борилган миллий текширишлар шуни кўрсатдики, репродуктив ёшдаги аёлларнинг 34 фоиздан кўпи анемияга, 49 фоизи фоллий танқислигига чалинган. Анемиянинг 5 ёшгача болалар ўртасида тарқалиши 2002 йилда қарийб 50 фоизни ташкил қилган. Репродуктив ёшдаги аёллар ва болалар ўртасида бошқа микроэлементларнинг етишмаслик даражаси ҳақидаги маълумотлар жуда кам. Самарқанд вилоятида микронутриентлар танқислигига боғлиқ касалликлардан 1 ёшгача болаларда рахит касаллиги 27,8%, анемия 25,5% ўткир респиратор вирусли инфекциялар билан тез-тез касалланиш 49,3% ҳолларда учрамоқда. Текширишлар натижасида аниқландики, Ўзбекистонда аёллар ўртасида умумий бўлган соғлиқни сақлаш муаммоларидан муҳими овқатланиш етишмаслиги эмас, балки, тескариси – ортиқча овқатланиш: 43 фоиз аёллар ортиқча вазнга эга, 17 фоизи эса семиршидан азият чекадилар. Инсоннинг оқилона овқатланишида нафақат овқатнинг энергетик қиймати, оқсил, уг-

Сўнгги йилларда ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, бизнинг республикамизда ҳам микроэлементлар етишмаслиги ва номутоносиллиги оқибатида пайдо бўлаётган касалликлар, яъни микроэлементлар кенг миқёсда ўрганилмоқда ва уларнинг натижалари амалий тиббиётга тақдим этиб борилмоқда. Микроэлементлар – эссенциал микроэлементлар алмашинувининг патологияси бўлиб, Марказий Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам кўп учрайди. Микроэлементлар кўпинча темир танқислиги ҳолатида фертил ёшдаги аёллар, ҳомиладор ва эмизикли оналар, болалар, умуман турли аҳоли қатламларида кенг тарқалган. Бу кўрсаткич Ўзбекистоннинг айрим биогеохимик ҳудудларида 70-80% ни ташкил этади. Овқат таркибида микроэлементларнинг сурункали етишмовчилиги биринчи навбатда болаларга таъсир кўрсатиб уларда ўзига хос касалликларнинг қақарида.

Микроэлементларнинг икки тури: гипер- ва гипомикроэлементлар (организмда микроэлементлар миқдорининг ошиб кетиши ва камайishi) мавжуд. Уларнинг иккинчиси клиницистлар томонидан кам ўрганилган.

Мамлакатимизда микроэлементларнинг ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганлиги боис илмий тадқиқот ишлари кенг миқёсда ўтказилаяпти. Организмнинг ҳаётий фаолияти учун зарур бўлган эссенциал микроэлементлар танқислиги ер юзи аҳолиси ўртасида кенг тарқалган: Россияда болалар ва ўсмирлар ўртасида микроэлементлар 40-50% ни ташкил этса, Республикаимизда бу кўрсаткич 30% дан 80% гача

етиб боради. Айниқса, болалар ўртасида темир, йод, рух, мис, кобальт, кальций ва бошқа макро- ва микроэлементлар танқислиги кўп учрамоқда. Камқонлик туфайли бола организмнинг қарши ва адаптив (мослашувчанлик) хусусиятларининг пасайиши, буй ўсиши ва ривожланиш кўрсаткичларининг пастлиги каби ўзгаришлар микроэлементлар танқислиги аломатлари ҳисобланади. Бунинг сабаби бир томондан турли касалликлар оқибатида микроэлементларнинг йўқотилиши, ошқозон-ичак орқали уларнинг кам сўрилиши, болалар ўсиш даврида микроэлементларга бўлган талабнинг ошиши бўлса, бошқа томондан организмга тегишли озиқ-овқат маҳсулотлари кам истеъмол қилиниши, биогеохимик ҳудудларда эса микроэлементларнинг оз миқдорда бўлишидир. Шу нуқтаи назардан бундай танқисликнинг олдини олишда миллий таомлар таркибида бўлган микроэлементлар миқдорини аниқлаш муҳим профилактик аҳамият касб этади.

Статистик маълумотларга қараганда ҳозирги вақтда одамлар ўртасида учраётган касалликларнинг 80 фоиздан ортиги микронутриентлар етишмовчилиги туфайли келиб чиқмоқда. Микронутриентлар танқислиги туфайли айниқса оналар ва болалар ўртасида касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари ортиши мумкин. Шу билан бир қаторда микронутриентлар танқислиги ўсмир болалар ақлий ва жисмоний риволаниши, аёллар ва аҳоли бошқа қатламлари ўртасида иш қобилиятининг пасайишига сабаб бўлади. Овқат таркибида витаминлар ва микроэлементлар етишмовчилиги оналар ва болалар саломатлигига катта ҳаф солади.

Ҳомиладор аёлларда микронутриентлар етишмаслиги ҳомила ва чақалоқ учун «икки томонлама ҳаф» туғдиради. Туғруқ ёшдаги аёллардаги бундай танқислик ҳолатлар ҳомила ва туғруқ хасталиклари ривожланишига олиб келади. Она қорнида болага микронутриентларнинг кам сингиши ва болани эмизтиш даврида онада мавжуд микронутриентлар етишмовчилиги боланинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва болада ҳам микроэлементлар танқислигини келтириб чиқаради. Натижада боланинг турли хил касалликларга мойиллиги ва берилувчанлиги ортади, бола ўсиш ва ривожланишдан орқада қолади.

Кузатишлар шуни исботлайдики, эмизтиш даврида онанинг микронутриентларга бўлган эҳтиёжини қондириш ва кўрак сuti билан болани узоқ муддат озиқлантириши давом эттириш ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд. Микроэлементлар танқислиги иқтисодий жиҳатдан таъминланган катта шаҳарларда яшовчи болаларда ҳам кўп учрайди. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, қишлоқда яшовчи болаларда микронутриентлар танқислиги шаҳардаги болаларга нисбатан юқори бўлиши аниқланган. Микроэлементлар танқислигининг болалар саломатлигига салбий таъсири ҳозир ҳам давом ўрганилган, шу

боис бу ҳолат худудий профилактик дастур ишлаб чиқаришни қийинлаштиради.

Халқаро миқёсда олиб борилган текширувлар натижасида микронутриентлар танқислигининг олдини олиш борасида катта ютуқларга эришилди. Озиқ-овқатларни фортификация қилиш, алоҳида микронутриентлар сапаметациясини ўтказиш шулар жумласига киради. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда озиқ-овқатларнинг икки тури, бу туз ва ун асосий фортификация ташувчилари саналади 2011 йилдан бошлаб тузни йодлаш зарурий талаб даражасига олиб чиқилди, тасдиқланган стандарт 40ё15 мг йод 1 кг тузга белги-

тификация қилиш тўғрисида қонунлар қабул қилинганки, эндиликда микронутриентларга бўлган эҳтиёжни қондиришга Марказий ва жанубий Америка, Канада мамлакатларида кўп йиллар мобайнида қўлланиб келинган. Кейинги йилларда МДХ мамлакатларида ҳам унни фортификация қилиш амалга оширилмоқда.

Республикамизда, шунингдек Молдавия, Козогистон, Грузия, Озарбойжон, Арманистонда ҳам ушбу дастур борасида



ланди. Бугдой унни бойитиш Ўзбекистонда ун тегириларида ишлаб чиқариладиган асосан биринчи нав ун ҳисобига (экстракция коэффициенти 75 фоиз) олиб борилмоқда. 2007 йил маълумотларига қараганда, мамлакатнинг 61 фоиз аҳолиси бойитилган бугдой уни истеъмол қилишади.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) ва ЮНИСЕФ томонидан қабул қилинган халқаро ҳужжатларда оналар ва болалар ўртасида микронутриентлар танқислиги 30% дан ортиқ тарқалган давлатларда микронутриентлар танқислигининг олдини олиш учун тезкор тадбирлар ўтказиш тавсия этилади. Сўнгги йилларда олиб борилган илмий-тадқиқот ишларимиз шуни исботламоқдаки, Зарафшон воҳасининг мактаб ёшдаги болалар ўртасида ҳаёт учун энг зарур бўлган микроэлементлар (темир, рух, мис, кобальт, марганец) танқислиги 40% дан 70% гача учраши қайд этилди. Ўрганилган 48 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида мис, рух, темир ва бошқа турдаги микроэлементлар миқдори етишмаслиги аниқланди. Чунки, Зарафшон воҳасидаги сув, тупроқ таркибида бу микроэлементларнинг барчаси кам эканлиги маълум бўлди.

Бугунги кунда микронутриентлар танқислиги профилактикасида арзон ва ҳавфсиз усуллардан бири – озиқ-овқат маҳсулотларини микронутриентлар билан бойитишдир. Бунинг учун аҳоли ўртасида энг кўп истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари танланиб микронутриентлар билан бойитилади. Жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакатларида ва шу жумладан, Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларини фор-

профилактик тадбирлар қўлланилмоқда. Руминия, Болгария, Туркия ва бошқа давлатларда озиқ-овқат маҳсулотларини микронутриентлар билан бойитиш микроэлементлар танқислигининг олдини олишда катта самара бераётир. Шунинг учун бу жойларда она ва бола саломатлиги кўрсаткичлари яхшиланишини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўзбекистонда ҳам микронутриент етишмовчилиги профилактикасида катта аҳамият берилаяпти. Оналар ва болалар ўртасида озиқ-овқат маҳсулотларини бойитишга оид илмий тадқиқотлар, хусусан анемия билан касалланган бир йил давомида 5-7 фоизга камайтиришга эришилди. Олинган натижалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 августдаги 2005-2009 йилларга мўлжалланган "Унни фортификация қилиш ҳақидаги миллий дастур" лойиҳаси ижросини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақидаги 153 - сонли қарор қабул қилинишига асос бўлди.

Унни фортификация қилиш натижасида ривожланган мамлакатлар аҳолиси ўртасида анемияни 20-25 фоизга камайтиришга эришилган, оналар ва болалар ўртасидаги ўлим ва касалликларни кескин камайиши таъминланган. Ўзбекистонда ушбу дастурнинг амалиётга қўлланилиши натижасида кейинги йилларда анемия 60% дан 33,5% гача камайишига ҳамда аёллар репродуктив саломатлиги мус-таҳкамланишига эришилди.

Сайдулло РАСУЛОВ,
Самарқанд давлат тиббиёт институтини, т.ф.д., Турон ФА
ҳақиқий аъзоси, болалар гастроэнтерологлари ва
нутрициологлари жамоа бирлашмаси раҳбари.
(Давоми бор).

Илмий изланиш

НЕВРОЗ КАСАЛЛИГИДА ҚўЛЛАНАДИГАН ДОРИ
ВОСИТАЛАРИНИНГ ИСЪТЕМОЛИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ
ИЗЛАНИШЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ МУАММОЛАРИ

Невроз касаллигининг этиологияси, эпидемиологияси ва таснифи

Ўзбекистонда невроз касаллигини даволашга қуйидаги ҳужжатлар тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 августдаги ПҚ-3925-сон "Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, 2018 йил 16 мартдаги ПҚ-3606-сон "Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 8 августдаги 47-сон "Рухий ҳолат бузилишини ва ҳулқ-атвор бузилишини ташхис қилиш ва даволаш бўйича хусусий тиббий ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақидаги (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3062) буйруғи тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 8 августдаги 47-сон буйруғидаги иловада "Рухий ҳолат бузилишини ва ҳулқ-атвор бузилишини ташхис қилиш ва даволаш бўйича хусусий тиббий ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар" рўйхати берилган.

1. (F00 – F09) органик, шу жумладан симптоматик руҳий бузилишларда тиббий хизматлар кўрсатиш;

2. (F20 – F29) шизофрения, шизотипик ва вассаса бузилишларида тиббий хизматлар кўрсатиш;

3. (F30 – F39) аффектив бузилишларда тиббий хизматлар кўрсатиш;

4. (F40 – F48) стрессга боғлиқ невротик ва соматоформ бузилишларида тиббий хизматлар кўрсатиш;

5. (F50 – F59) физиологик бузилишлар ва жисмоний омиллар билан боғлиқ бўлган ҳулқ-атвор синдромларида тиббий хизматлар кўрсатиш;

6. (F60 – F69) етуллик ёшдаги шахс ва ҳулқ-атвор бузилишларида тиббий хизматлар кўрсатиш;

7. (F70 – F79) ақл заифлигида тиббий хизматлар кўрсатиш;

8. (F80 – F89) психология (руҳий) ривожланишининг бузилишларида тиббий хизматлар кўрсатиш;

9. (F90 – F98) одатда, болалик ва ўсмирлик ёшида бошланадиган эмоционал ва ҳулқ-атвор бузилишларида тиббий хизматлар кўрсатиш.

Маъруз касалликлар рўйхати ICD-10 халқаро касалликлар (Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш учун мослаштирилган) таснифига биноан шакллантирилган.

Ихтисослаштирилган малакали психиатрик тиббий ёрдам ўзи ва атрофдагилар учун хавфли бўлмаган руҳий ва ҳулқ-атвор бузилишлари кузатиладиган шахсларга уларнинг ёзма розилиги асосида (ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган шахслар, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар учун уларнинг қруний вақиллари томонидан берилган ёзма розилиги асосида) кўрсатилади.

Невроз касаллигида қўлланиладиган дори воситалари ва даволаш жараёнларининг тахлили

Неврознинг клиник кўриниши, маълумки, унга психозоматик бузилишлар: неврастенник, истерик ва обсессив-фобик ўзгаришлар атрофида жамланади. Буларнинг ҳар бири специфик клиник кўринишлар, кечинининг ўзига хослиги, дифференциал

(Давоми. Боши
аввалги сонда).

Невротик депрессия симптоми – бунда беморлар ташқи воқеаларга бефарқ, локайд бўлиб қоладилар. Беморларнинг кайфияти бузилган, иштаҳаси йўқолган ва уйқуси бузилган бўлади. Беморлар бир ўзи ёлғиз қолишга интилади. Невротик депрессияда беморлар ўзини қўлга олади, истериядаги сингари ҳаракатлар қилмайди.

Неврастенция – бу астеня ва депрессия симптомларининг биргаликда кўшилиши натижасида юзага келади. Неврастенцияда беморлар шикоятчи бош оғриқ, бош айланиш, уйқусизлик, юрак соҳасидаги увишиш ва оғриқ, қўл-оёқларнинг совуқ қотиши, кўп терлаш, диспептик бузилишлар – кўнгил айниши, қусиш, ошқозон соҳасида ва ичакларда оғриқ ҳақида ич кетиши ёки қотишидир. Бундан ташқари, жинсий заифликдан, тез жаҳли чиқишидан шикоят қиладилар. Неврастенция кўзгаллигининг кучайиши натижасида иш қобилиятининг пасайишига олиб келади. Бунда беморлар тез чарчаб қолади, ақлий ва меҳнат қобилиятининг пасайишига олиб келади ҳамда хотиранинг усайиши бошланади. Бемор текшириб қўрилганда қўлларда титраш, кўп терлаш, пай рефлексларининг жонланиши кузатилади.

Неврастенциянинг 3 та тури бор. Гиперстенник тури – бунда беморларнинг асабийлашиши, арзимаган нарсалардан таъсирланиши, салга кўз еш қилиши ва диққатининг бузилиши кузатилади. Гипостенник турида беморлар жисмоний ва ақлий қобилиятининг пасайиши, толиқиш ҳамда уйқунчанлик белгилари кузатилади. Аралаш турида беморлар бирпасда асабийлашадилар. Бу толиқиш, уйқунчанлик белгилари билан алмашиниб туради. Неврастенцияда вегетатив ўзгаришлар ҳам кузатилади. Беморларнинг юрак соҳасида хурожимон оғриқ, қўл ва оёқларида увишиш, музлаб қолиш, кўп терлаш белгилари билан ўтади.

Истериянинг клиник кўриниши турли-туман бўлиб, унинг баъзи белгилари бошқа бир касалликка ўхшаб кетгани учун истерияни "Буёқ тақлидчи" деб аташади. Истерияда бош мия пўстлоғи тормозланиб, пўстлоқ ости тунгулари фалсияти ошади. Натижада, пўстлоқ ости тунгуларининг ихтиёрсиз кўзгаллиши ва тутқаноқ хуржлари пайдо бўлади. Истерияда ташқи таъсирлар беморнинг руҳияти таъсир қилиши натижасида юзага келади. Истерияда бемор ҳаракати тартибсиз, бирдан бошланади. Кўпроқ кундуз кунлари бўлиб, бунда эс-хуши сақланган бўлади. Бемор бўлиб ўтган воқеаларни эслабди. Истерия тутқаноқ хуржидан бемор ҳуддан кетишдан олдин ўзига қулай жой таналяди, сўнг бирор жойга эмаслиги учун секин йиқилади. Агар беморнинг атрофида одамлар бўлса, истерик тутқаноқ хуржи узоқ давом этиши мумкин. Беморлар тутқаноқ вақтида кийимларини тортиб йиртади, юзини тирнайди, бошини деворга уради, ўзининг кўксига уради. Беморлар бундай ҳолатларда тилларини тишлаб олмайдилар. Беморлар кўз қорачиқлари ёруғлиikka жавоб реакцияси сақланган бўлиб, касаллик рефлекслари бўлмайди ва ихтиёрсиз ўринлари га сийиб юбормайдилар. Истерия тутқаноқ хуржи бир неча дақиқадан бир неча соатгача давом этиши мумкин. Истерияда ҳаракат ва

сезувчанликнинг бузилиши, шунингдек, моноплегия, паралегия, гемиплегия, гиперкинезлар ҳамда гапираолмаслик, эшитаолмаслик (сурдомутизм) кузатилади. Истерия фазада мушаклар тонуси ўзгармайди, пай рефлекслари бузилмаган, патологик рефлекслари ва атрофия бўлмайди.

Миядан кетмайдиган ҳолатлар неврози обсессив ва фобик симптомлар билан биргаликда кечади. Бу неврозлар неврастенция ва истерияга нисбатан кам учрайди. Бунда касаллик белгилари миёга ўрнашиб қолади. Беморнинг кўнглида ваҳималар, хавотирланиш ва кўрқув хиссийлари пайдо бўлади. Бундай беморларни текшириб қўрилганда ички аъзолари ва асаб тизимида асосий касаллик белгилари топилмайди. Беморларда кўпроқ пай рефлекслари бироз жонланган, қўл панжаларининг титраши, мушаклар тонуси бироз тараңлашган, юракнинг тез уриши ва кўп терлаш ҳамда бошқа вегетатив ўзгаришлар кузатилади. Беморларда кўпроқ фобик симптомлар, яъни кардиофобия, инсультфобия, мизофобия – ўзига инфекция юкиб қолишдан кўрқуш, суицидофобия – ўзини ўзи ўлдириб қўйишдан кўрқуш ва бошқа белгилар кузатилади. Бундай неврозлар узоқ давом этади ва одам меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотиб туради. Беморнинг онгига таъсир қилиш борасида шифокорнинг нукта назаридан терапия олдидаги масалалар бўлиб, беморнинг руҳий ҳолатини ўзи бошқара олиш қобилиятини тиклаш, касалликка фаол тарзда қарши туришни шакллантириш ҳисобланади. Нефротик бузилишларни даволаш комплексли ёндашишни тақоза қиладди. Терапия ўз ичига учта йўналишни: биологик, психологик (психотерапевтик) ва ижтимоий йўналишларни оптимал тарзда уйғунлашган ҳолда қўллашни ундайди. Даволаш услубларини танлаш негизда психопатологик синдромнинг ҳам клиник, ҳам психологик хусусиятларини тахлил қилиш ётади.

Невротик бузилишларни даволашнинг асоси бўлиб психотерапия ҳисобланади. Стресс билан боғлиқ неврозларни даволашда психотерапевтикнинг аҳамияти жуда ҳам юқори. Ҳозирги вақтгача хавотирли бузилишлар даволашда бензодиазепинлар, асоан янги турлари кўп қўлланилади. Буларга альпразолам – кучли кўрқуш бузилишларини даволаш учун, ва грандаксин – вегетостабиллизатор сифатида, ва бошқа дори препаратлари тааллуқли.

Невротик бузилишларнинг қатор шакллари (асосан хавотирли-фобик ва соматоформли бузилишларни) даволашда антидепрессантлар, танлов дори препаратлари ҳисобланади. Улар юқори самарали ва бутун жаҳонда кенг қўлланилади, масалан, пароксетин ва климипрамин, оланзапин, флювоксамин, циталопрам, сертралин.

Дори препаратларини танлаш ва дозаларини тўғри белгилашда уларнинг самарадорлиги 70–75 фоизга тенг бўлади.

Соматоформ бузилишларни даволашда бошқа гуруҳларга тааллуқли дори препаратлари ҳам қўлланилади, масалан янги тутқаноққа қарши препарат габапентин.

Ушбу гуруҳ касалликларини

даволашда муҳим роль ноотроп дори препаратлариға тегишли. Улар мия метаболизмини яхшилайди, мия фаолиятининг интегратив жараёнларини кучайтиради, бош миянинг гипоксияга ва бошқа таъсирларга турғунлигини оширади. Аммиалон, ноотропил, энцефабол, фенибут ва бошқа дори препаратлари нафақат неврозсимон ва интоксикацион бузилишларда, балки хавотирли ва соматоформли фармакорезистент бузилишларда ҳам қўлланилади.

Неврозларни даволашда психотерапевтик услублар ҳам муҳим роль ўйнайди. Оқилна психотерапия доирасида шифокор беморнинг яқинлирига унинг касаллиги ҳақида аниқ, тушунарли маълумот бериши лозим. Оилавий даволашга ҳам катта эътибор берилади, унинг асосий мақсади оиладаги руҳий шикаст ҳолатига барҳам беришдир. Болалардаги неврозларни даволашда седатив воситалар ва транквилизаторлар қўлланилади. Биринчисига валерианка, меллисса асосида тайёрланган фитопрепаратлар: Дормиплант, Гелариум гиперикум ва бошқалар кирди. Транквилизаторлар (анксиолитиклар) гуруҳига хавотирни, эмоционал зўриқишни, қурқувни камайтирадиган психотерапевтик воситалар кирди. Бундан ташқари танквилизаторлар гипнотик, титроққа қарши ва миорелакцияловчи таъсирларига эга. Болалардаги неврозларни даволашда бензодиазепинли транквилизаторлар қаторига мансуб бўлмаган дори воситалари (Фенибут, Тенотен, Атаракс) ишлатган маъқул, сабаби уларнинг ноҳўя таъсирлари кам. Бу дори воситаларининг бири – бу Адаптол. Адаптол метаболлик таъсир кўрсатади, ноотроп самарга эга, ўзгарган метаболлик жараёнларни метаболлаштиради, шунингдек, нейромедитатор тизим функциясига таъсир қилиши мумкин.

Патогенетик ва шахсга қаратилган (реконструктив) психотерапия неврозларда иккита асосий шаклда амалга оширилиши мумкин: индивидуал ва гуруҳли. Уларнинг ҳар бири ўзига хос специфик психотерапевтик потенциалга эга.

Даволаш тиббий психолог, нейрпсихолог ва невропатологлар томонидан олиб борилади. Асаб бузилиши билан боғлиқ бу касаллик тиббий-психолог муоалалардан сўнг самарали даволанади. Даволаш муддати ва натижаси кўпроқ унинг тўғри олиб борилишига боғлиқ. Даставвал неврозга олиб келувчи сабаблар аниқланади ва иложи борича бартараф этилади. Асосий сабаблар бартараф қилинганда, аксарият беморларда даволашни давом эттиришга ҳоҳат ҳам қолмайди, улар тузалиб кетишади. Лекин баъзи ҳолларда неврознинг сабабини аниқлаш ва уларни йўқотиш анча мушкул.

Низом СҮЙОНОВ,
Тошкент фармацевтика
институтини Фармацевтика
иниши ташкил қилиш
кафедраси профессори
в.б., фармацевтика
фанлари доктори.

(Давоми бор).

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ АҲАМИЯТИ

Мамлакатимизда бугунги кунда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш масаласига давлат сиёсати даражасида қаралиб, ундан миллат генофондини соғломлаштириш, жисмоний ва интеллектуал салоҳиятли авлодни тарбиялашда стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим соҳа сифатида фойдаланилмоқда.

Жисмоний тарбия-инсон ҳаётининг бошидан охиригача давом этадиган, организмни ҳар томонлама такомиллаштирадиган, ҳаёт учун муҳим бўлган ҳаракат, кўникма ва малакаларни ёш давларида мос ҳолда ўзгартириб борадиган педагогик жараён. Жисмоний тарбия фани умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, уларнинг асосий ва жисмоний сифатларини ривожлантириш, ҳаётий зарур ҳаракатлар, малака ва кўникмаларини шакллантириш, ўз-ўзини жисмоний такомиллаштириш, истак ва эҳтиёжларини шакллантиришда асосий бўгин ҳисобланади.

Таълим муассасаларида жисмоний тарбияни ташкил этишда жумладан, қуйидаги муайян вазифалар ҳал қилинади:

- инсон аъзоларининг функционал камолоти(ички аъзолар, асаб ва ҳаракат, суяк-мускул тизими, тана уйғунлиги ва

уларнинг функционал фаолиятини бошқариш лаёқати)га эгалликни таъминлаш;

- ўқувчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш;

- ўқувчиларни гигиена қоидаларига амал қилишга кўниктириш;

- ўқувчилар моҳирлигини ҳар томонлама ўстириш;

- ўқувчиларнинг жинсий ҳаётдан тўғри камолга етишлари учун шароит яратиш;

- ўқувчиларда мустаҳкам ирода, қатъий характер, интизомга сўзсиз амал қилиш кўникмаларини шакллантириш.

Жисмоний тарбия кишиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш учун катта имкониятларга эгадир. Умумий ўрта таълим мактабларида тўғри ташкил этилган спорт машғулотлари марказий нерв тизимини такомиллаштиришга, ўпка, юрак томири тизимининг ишларини яхшилашга, мускул ҳажмининг, қон таркибининг, модда алмасувининг яхшиланishiга имкон яратади.

Жисмоний тарбия инсон организмни морфологик ва функционал жиҳатлардан такомиллаштиради, бундан танадаги барча аъзоларни нормал ривожланиши, жумладан, бош мия ва олий нерв системасини тўғри шаклланиши ҳамда фаолият юритишини маълум нормага солиши, деб тушуниш мумкин. Жисмоний тарбия организмни мукамал ривожланишини йўлга қўйиши билан бирга, тананинг соғлом бўлишини, ҳар қандай ташқи юклага чидамлилигини ҳам таъминлайди. Инсондаги иродавий сифатлар жисмоний тарбия билан шўғулланганда бир неча баравар устун бўлиши олимлар томонидан исботланган. Жисмоний тарбия кишиларга кучли таъсир кўрсатиб, саломатлигини мустаҳкамлайди, ишлаш қобилиятини оширади, узоқ умр кўришга ёрдам беради. Спорт ҳар қандай ёшда ҳам қадди-қоматни тарбия қилиш, инсоннинг куч-қувватини сақлаб туришнинг ажойиб воситасидир. Спорт дам олиш билан меҳнатни алмаштириб туриш манбаи бўлиб хизмат қилади. Жисмоний тарбиянинг ижтимоий вазифасининг сийҳат-саломатлигини яхшилашга, унинг жисмоний камол топишига, ҳар тарафлама

ривожланишга қаратилган бўлиб, у меҳнатга ва Ватан ҳимоясига тайёргарлик воситаси сифатида хизмат қилади. Соғломлаштиришга йўналтирилган тамойилнинг моҳияти ўқувчилар соғлигини мустаҳкамлаш вазифаларини бажаришда намоён бўлади. Шунинг учун жисмоний машқларни танлашда ўқувчи организмни ҳар томонлама соғломлаштиришга интилиш, унинг жисмоний сифатларини ҳиссий-ижобий ҳолат, ҳаётдаги хушчақчақ кайфият билан яхлитликда ривожлантириш ҳам кўзда тутилади. Жисмоний тарбия машғулотларини режалаштиришда саломатликни мустаҳкамлаш қонуниятлари ҳисобга олинган жисмоний юклага албатта идора

қилинади. Жаҳон тиббиёт фанининг буюк олимларидан бири Абу Али ибн Сино инсон саломатлигини жисмоний тарбия воситалари билан яхшилаш ва уни камолотга етказишда гавданинг ҳар бир қисми учун махсус ҳаракатлар борлигини аниқ мисолларда кўрсатиб берган. Қўл ва оёқ ҳаракатлари, кўкрак ва нафас аъзоларининг ҳамда бошқа аъзоларнинг табиий ҳаракатларини ишга солувчи машқлар мажмуасини ўз асарларида мужасамлаштирган. "Жисмоний машқлар билан мунтазам шўғулланиб турувчи киши даволанишга камдан-кам муҳтож бўлади", - деб ёзган эди Абу Али ибн Сино.

Жисмоний тарбия-абадий категориядир, у инсоният жамияти пайдо бўлгандан бери мавжуд бўлиб, бундан кейин ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ва инсон ҳаётининг зарурий шартларидан бири сифатида давом этаверади.

Зариф БЕГИМКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассислари илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Самарқанд филиали "Ижтимоий фанлар" кафедраси муdiri,
Шахноза НАЗАРОВА

Самарқанд шаҳар 7-умумий ўрта таълим мактаби жисмоний тарбия фани ўқитувчиси.

Божхона назорати

34,5 МИЛЛИОН СЎМЛИК БЛОКАТОРЛАР УШЛАБ ҚОЛИНДИ



Сирдарё вилоятида мамлакатимизга ноқонуний равишда олиб келиб пулланмоқчи бўлиган 800 дона "VIRUS SHUT OUT" номли ҳамда 70 дона "E.A Mask" номли коронавирусга қарши блокаторлар тўхтатиб қолинди.

Ушбу ноқонуний маҳсулотлар вилоят божхона бошқармаси Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бўлими томонидан олинган олинган тезкор маълумотларга асосланиб, вилоят давлат хавфсизлиги хизмати ҳамда вилоят божхона бошқармаси ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир натижасида фош этилди.

Мирзаобод тумани ҳудудидан ўтувчи М-34 йўлининг Гулистон - Тошкент йўналишидаги йўл ўтказиқ кўприк остига келиб тўхтаган "Кобальт" ҳамда "Нексия-3" русумли автотранспорт воситаларининг юкхонаси белгиланган тартибда ҳолислар иштирокида кўздан кеңирилди. Текширув жараёнида фуқаро Холдор Уйғунов (персонажларнинг исми-шарфи ўзгартирилган) бошқарувдаги "Кобальт" русумли автотранспорт воситасининг юкхонасида хорижда ишлаб чиқарилган, тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган ва сифати кафолатланмаган жами 800 дона "VIRUS SHUT OUT" номли ҳамда фуқаро Метанбой Жовлиев бошқарувдаги "Нексия-3" русумли автотранспорт воситасининг юкхонасида жами 70 дона "E.A Mask" номли коронавирусга қарши блокаторлар борлиги аниқланди.

Олиб борилган дастлабки текширув ва суриштирув давомида юқорида келтирилган автомашиналардан олинган вирусга қарши блокаторлар "Нексия-3" русумли автомашинада йўловчи сифатида келган фуқаро Раҳимиддин Шовлиевга тегишли эканлиги маълум бўлди.

Ўтказилган тезкор тадбир давомида дастлабки таҳминий қиймати 34 миллион 560 минг сўмлик 800 дона "VIRUS SHUT OUT" номли ва 70 дона "E.A Mask" номли коронавирусга қарши блокаторлар ашёвий далил сифатида олинди.

Ушбу ҳолат юзасидан ҳозирда божхона ходимлари томонидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

А. ҚАЮМОВ, ЎзА

COVID-19 инфекциясига гумон қилинаётган беморларни даволаш мақсадида Олимпия ва миллий спорт турлари бўйича Нукус олий спорт мактаби базасида ташкил этилган вақтинчалик ташхислаш-тақсимлаш ва даволаш маркази ўз ишини бошлади. Марказ фаолиятини ташкил этишда Мудофаа вазирлигининг Шимоли-ғарбий ҳарбий округ кўшинлари кўмондонлиги ҳам ўз ҳиссасини кўшди.



МАРКАЗГА ҲАРБИЙ ШИФОКОРЛАР ЖАЛБ ЭТИЛДИ

Марказда 4 нафар ҳарбий шифокор ва ҳарбий тиббиёт муассасаларининг 4 нафар кичик тиббий персонали ватандошларимиз саломатлигини сақлаш, пандемия билан курашишда малака алмасиши мақсадида хизматда бўлишадди. Марказнинг очилиш маросимида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раҳбарияти, Шимоли-ғарбий ҳарбий округ кўшинлари кўмондонлиги, тиббиёт мутахассислари ҳамда ҳарбий хизматчилар иштирок этди.

Вақтинчалик марказда 7 та блокдан иборат жами 390 ўринли жойлар мавжуд. Биринчи қаватда 224 ўринли ётоқ жойлар касаллик тўғрисида нафас олиши қийинланган беморлар ва иккинчи қаватдаги 166 та жой касаллик аломатлари енгил кечадиган беморлар учун белгиланган. Касаллик аломатлари бор беморларни қабул қилиш жойида ультратовуш текширув аппарати (УЗИ), рентген аппарати, ЭКГ ва лаборатория хизмат кўрсатади. Беморларни ташхислаш ва даволаш учун барча зарур тиббиёт воситалари ва нафас олишни енгиллаштирувчи аппаратлар ўрнатилган. Марказда жами 150



нафар малакали тиббиёт ходими фаолият кўрсатади.

Тиббиёт муассасаси, ходимлар ва беморларнинг хавфсизлигини таъминлаш, пандемия тарқалишига йўл қўймайлик ҳамда ҳудуд кўриқловини ташкил этиш мақсадида Шимоли-ғарбий ҳарбий округ томонидан вақтинчалик оператив штаб ташкил этилган бўлиб, унда кеч

чау кундуз навбатчилик йўлга қўйилган. Қолаверса, шифокорларнинг Тошкентдаги марказ билан маслаҳат ва тажриба алмашиш, беморларни даволашда консилиумлар ўтказиш мақсадида ҳарбий округ томонидан 24 соатлик онлайн видеоконференцалоқа тизими жорий этилган.

Таъкидлаш жоизки, Тошкент тажрибасидан келиб чиқиб, Нукус шаҳридаги 3 та спорт объектида 1000 ўринли, Қорақалпоғистоннинг ҳар бир туманида 200-500 ўринли тақсимлаш марказлари фаолиятини йўлга қўйилиб, улар бугунги кунда жами 5 200 ўринни ташкил этади.

Довуд АБИБУЛЛАЕВ.

Медицинские учреждения страны

ДЕЙСТВУЮТ СЛАЖЕННО И ГРАМОТНО

В Янгиюльском районе Ташкентской области проводится последовательная работа по предотвращению распространения коронавируса.



По инициативе районного хокимията принимаются меры по выявлению инфицированных граждан, организации эффективного лечения в стационарных условиях и на дому. Только на лечение пациентов в домашних условиях привлечено 48 врачей и медицинских работников. За ними закреплены 19 автотранспортных средств. Тем временем при инфекционной больнице районного медицинского объединения создано 56 дополнительных койко-мест. А в новом здании лечебного заведения, расположенного на территории схода граждан "Халқобод" уже созданы условия для приема 140 больных. На сегодняшний день в новой инфекционной больнице города Янгиюля полностью завершены работы по подготовке и над-

лежащей оснастке дополнительных 200 койко-мест. Полным ходом идут работы по улучшению качества медико-санитарных услуг во всех лечебных заведениях РМО Янгиюльского района. В их числе – одна районная больница, 6 амбулаторных поликлиник и 3 сельских врачебных пункта, а также служба экстренной медицинской помощи и 26 аптек. В этих лечебных заведениях осуществляют деятельность 295 врачей и свыше 1 560 медицинских работников, а также более 330 работников службы экстренной медицинской помощи. В распоряжении последних предоставлены 26 автотранспортных средств и столько же мобильных телефонов. Не проявляют равнодушие врачи и специалисты 2 частных клиник. При непосредственной поддержке хокимията области и областного центра санитарно-эпи-

демиологического благополучия соответствующие лаборатории Янгиюльского района обеспечиваются специальными тестовыми наборами и автомобилями. Всего на осуществляемые в Янгиюльском районе профилактические мероприятия направлено около 950 млн. сумов. До сегодняшнего дня на материальное поощрение 38 врачей и медицинских работников из средств бюджета выделено свыше 280 млн. сумов. На дополнительные ежедневные выплаты 163 медицинским работникам направлено 154 млн. сумов. Стараниями оперативных работников правоохранительных органов своевременно пресекаются случаи нелегальной торговли медицинскими препаратами и лекарствами. Только в ходе одного оперативного мероприятия изъято лекарств на 16,6 млн. сумов, все составленные акты и протоколы направлены в суд. В настоящее время проводится широкая разъяснительная работа среди населения, направленная на предотвращение случаев необоснованного завышения цен на лекарства и продовольственные товары. Сотрудниками государственной инспекции санитарно-эпидемиологического контроля до настоящего времени выявлено около 1 600 случаев нарушения правил режима карантина. В результате к злостным нарушителям применены соответствующие меры, составлены протоколы о применении штрафных санкций в размере 575 млн. сумов. В условиях пандемии сотрудники органов внутренних дел вместе с представителями Национальной гвардии принимают все необхо-



димые меры по профилактике правонарушений. На данное время ими уже составлено около 5 тысяч протоколов об административных нарушениях. Все вышеуказанные меры, в первую очередь, направлены на обеспечение правопорядка и законности, защиту здоровья граждан. По инициативе хокимията Янгиюльского района успешно налажена деятельность службы call-center. Ежедневно сюда обращаются за консультациями и помощью в среднем 35-40 человек. После тщательного изучения жалоб и обращений гражданам предоставляются лекарства и продуктовые наборы. Словом, никто не остается вне поля зрения.

– Мы проводим широкую разъяснительную работу среди

населения, – говорит заместитель хокима Янгиюльского района М. Нарбаев. – На регулярной основе публикуются материалы на страницах местной печати и социальных сетях. А в здании районного центра "Нуроний" налажена деятельность оперативного штаба по координации мер по предотвращению распространения коронавируса. Круглосуточно работают мобильные бригады по обеспечению всем необходимым лечащихся на дому больных. Глубоко осознающие свой гражданский долг перед народом предприниматели предоставили им свыше тысячи комплектов одноразовых защитных комбинезонов и масок.

Огромную заботу и внимание о больных также проявляют 46 находящихся в запасе врачей, фельдшеров и медицинских работников районного отдела по делам обороны. Также стоит отметить заслуги руководителей территориальных секторов. Ежедневно они посещают больных, решают их проблемы, а выздоравливающим оказывают всяческое содействие в дальнейшем трудоустройстве.

Х. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Фото автора.

Тухфа

ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ
АВТОБИЛЛАРИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Жиззах автомобиль заводи "Volkswagen Caddy" транспорт машиналари базасидаги тез тиббий ёрдам автомобилларининг навабдаги партиясини Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига ва "Ўзбекистон темир йўллари" АЖга тақдим этди.



Янги тез тиббий ёрдам автомобиллари "Turin Invest Engineering" инжиниринг компанияси мутахассислари томонидан жиҳозланган ва пандемия даврида аҳолига хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Автомобиллар соғлиқни сақлаш вазирига талабларига мувофиқ барча керакли жиҳозлар билан таъминланган. "Volkswagen Caddy" автомобилларининг Ўзбекистонда сотуви жорий йил июль ойи охирида бошланган эди.

НУКУСДА ТАШХИСЛАШ,
ТАКСИМЛАШ ВА ДАВОЛАШ
МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Нукус олимпия ва миллий спорт мактабида коронавирус инфекциясини юктириб олишда гумон қилинган беморларни даволаш мақсадида ташкил қилинган марказ 390 нафар беморни қабул қилиш имкониятига эга.

Марказда барча шароит яратилган. Тиббий асбоблар ва дори-дармонлар билан тўла таъминланган даволаш марказига тажрибали шифокор ва ҳамширалар жалб этилган.

Марказнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида объект қошидан қўшимча равишда тезкор штаб ташкил этилган. Штаб томонидан марказга беморларни қабул қилиш ва уларни даволаш жараёни видеоназорат орқали доимий кузатиб борилади. Шунингдек, ушбу штаб орқали Тошкент шаҳри марказий штаби билан бевосита видеоконференция усулида алоқага чиқиш, яъни тиббий маслаҳатлар олиш имконияти яратилган.

Марказ беморларни қабул қилишни бошлади.



Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўл ёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371)
233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг
11 март кuni рўйхатга олинган. Гувоҳнома
рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 1128 нусха.
Буюртма Г-850.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона аъзоси: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ; Формати А3. Оффсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚУШОКОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.